



### L-цистеин таъриффи

Ушбу ингредиент остида L-цистеин ёки L-цистеина гидрохлорид тушунилади. L-цистеин хамирга машинада ишлов беришни осонлаштириш учун алмашувчи аминокислотадан иборат. [\[1\]](#)

Куйидаги мақсадларда ишлатилади:

- а) хамир коришни тезлаштириш;
- б) пицца коржаси текисланганидан сўнг ўтириб қолишини олдини олади,
- в) хамир билан ишлашни осонлаштириш.

L-цистеин круассанлар, кекслар (инсон сочларидан – факат “Dunkin Donut’s”, хамиртурушли (дрожели) кексларда L-цистеин йўк), питлар, бейглар, баъзи

касир-кусурли булочкалар, крекерлар ва Мельба тостларидан ишлатилади. L-цистеин шунингдек, болалар сутли коришмаларида ва биологик фаол кўшилмаларида (БФК ёки ўрис тилида БАДлар) ишлатилади. [2]

Ўн йил олдин L-цистеин олишнинг энг кенг тарқалган саноат усули Хитойдаги сартарошхоналаридан келтирилган инсон сочларининг гидролизи бўлган. Айти пайтда ушбу ингредиентнинг 80 фоизи ўрдак патларидан олинади.

Шунингдек, L-цистеиннинг кам деганда иккита синтетик формаси мавжуд бўлиб, уларни Ajinomoto ва WackerBiochem компаниялари ишлаб чиқаради.

Ajinomoto саноат химикатларидан фойдаланади ҳамда келиб чиқиши хайвон бўлмаган энзимлар ёрдамида уларда биохимик ўзгартиришларни амалга оширади. WackerBiochem корхонаси эса 2001 йилда ишлаб чиқарилган микробиологик ферментация воситасида L-цистеин ишлаб чиқаради. Озука мухити сифатида глюкоза ишлатилади. Ушбу икки формалар етарли даражада қиммат бўлгани боис улардан фойдаланишмайди.

[3]

L-цистеин ишлаб чиқариш учун ҳам ашё сифатида инсон сочлари, парранда патлари, чорва шохлари, нефть маҳсулотлари ва синтетик материалларидан фойдаланилади. L-цистеин факат Япония, Хитой ва Германияда ишлаб чиқарилади. Ушбу ингредиент учун энг арзон ҳам ашё инсон сочларидир. [4]

### **Ислом L-цистеин хақида нима дейди**

1. Агар L-цистеин инсон сочидан олинган бўлса, у кўшилган барча маҳсулотлар ейишга харом бўлади, чунки инсон сочлари Исломда юкори кадрланади. L-цистеинни истеъмом килиш инсон макomini ерга уриш билан баробар, бу эса Исломда харом килинган. [5]

2. Агар L-цистеин тўнгиз тукларидан ёки тўнгиз танасининг хар қандай қисмидан тайёрланган бўлса, у кўшилган барча маҳсулотларни истеъмом килиш тақиқланади, чунки Исломда тўнгиз нопок хайвон саналади, демак уларни истеъмом килиш мумкин

эмас. [\[6\]](#)

3. Агар L-цистеин тўнгиздан бошка хар кандай жониворнинг тукларидан тайёрланса, унда L-цистеин ва у кўшилган махсулотларни истеъмол килиш жоиз бўлади, гарчи улар исломий тамойил бўйича сўйилмаган ва хатто ўлиб колган бўлса хам. Патлар, туклар хаётдан Мосуво бўлгани боис уларни сотиш, истеъмол килиш ва фойдаланишга рухсат берилади (тўнгиздан ташқари) ва уларни истеъмол килиниши учун исломий тарзда сўйилиши шарт эмас. [\[7\]](#)

4. Агар L-цистеин синтетик йўл билан олинган бўлса, унда L-цистеин ва у кўшилган махсулотларни истеъмол килиш жоиз бўлади, негаки уни ишлаб чиқаришда Ислолда харом килинган ва тақиқланган моддалар ишлатилмайди.

### Хулоса

L-цистеин инсон сочларидан олинган бўлса, уни ва у кўшилган махсулотларни истеъмол килишга рухсат берилмайди.

L-цистеин (тўнгиздан бошка) хар кандай парранда ва жониворнинг патларидан ёки тукларидан тайёрланса, гарчи улар исломий тамойил бўйича сўйилмаган ва хатто ўлиб колган бўлса хам унда L-цистеин ва у кўшилган махсулотларни истеъмол килиш жоиз бўлади.

L-цистеин ишлаб чиқариш пайтида хом ашё кайта ишланганда унинг таркиби тўлиқ ўзгаради деган умумий хукмлар нотўғри. Уни ишлаб чиқариш жараёнидан жуда кўп нарсалар боглик. Баъзи холатларда бунака ўзгаришлар бўлиши мумкин, баъзи холларда эса – йўқ.

Аллох билгувчидур.

Вассалом.

Исмаил Десаи

Муфтий Иброхим Десаи томонидан текшириб маъкулланди.

Манба: [Askimam.org](http://Askimam.org)

Абу Муслим тайёрлади

---

[1] [http://www.naturalnews.com/032718\\_L-cysteine\\_commercial\\_bread.html#ixzz1iyOhONec](http://www.naturalnews.com/032718_L-cysteine_commercial_bread.html#ixzz1iyOhONec), по состоянию на 09.01.2012.

<http://www.o-fu-online.net/2011/06/l-cysteine-in-your-food-comes-from-human-hair-and-duck-feathers/>

[2] <http://www.albalagh.net/halal/col2.shtml>

[3] <http://www.o-fu-online.net/2011/06/l-cysteine-in-your-food-comes-from-human-hair-and-duck-feathers/>

[4] <http://www.albalagh.net/halal/col2.shtml>

[5] 0.85/1.000000 00 00000000 .00000000 00000000 00 00000000 0000 00 000 0

00000000 0000 0000 00 000 000000 00000000 0000 00000000 00000000 00000000 00000000 0000 0  
00000000 .82/1.00000000 0000.00000000

[6] 00000 000 0000 .107/1.000000 00 0000000 .00000 00000000 00000 0 00000 0 000000 00000000 000 0

0000000 0000000 .00000 0 000000 00000000 000000 00000 00000 00000000 000000 000 00000000 000 0  
0000000 .115/1.0000000000

[7] 0000 00000000 00000 00000 0000 0000 000 0000 000000 00 0000 000000 0000000 00 0000 00 00 00000 00  
00 000000000

000000000 00000000 0000000 00 000000000 00000

0 0000 00000 000 00000 00000 0000 0000000000 00 00000 0000 00 00000 00000 00 00000000000 00000 0  
00 000 000 000000 0 000000 0 000000 00000 000000 0000000 000000

0 0000000000000 0 000000 0 00000000 0 000000 00000 .00000 0000 00 0000 00000 00000000 00 0000 00 0000  
00000000 .85/1.00000000 0000.00000 00000 00000

0000 .0000 00 00 00 00 0 00000 0 00000 0 00000 000000 000000 000000 00000 00000 00 00000 00000  
00000 0000 0000 .102/1.00000000

Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган  
Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган